# 7 – МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ



- **1. Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлаштирилиши**
- **2.Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари, самарали технологиялар**
- **3.Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби**
- **4. Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантириш, бундай воситалар бозори, техника тараққиётини жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш**
- **5.Асосий ва айланма воситалар**.

- ***Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси - қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндисига тушунилади. Унинг таркибига ер ресурслари, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоатлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозлари, транспорт воситалари, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлари, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруғлик, чорва озуқалари, нефть маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари ва бошқалар***

- ***Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси халқ хўжалигинииг бошқа тармоқларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади:***
- ***Биринчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида ер асосий роль ўйнайди.***
- ***Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ҳар доим табиий шароитлар таъсирида бўлади.***
- ***Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир бирига мос келмаслиги туфайли, ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга бўлиб, бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади.***
- ***Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли организм (ишчи ҳайвонлар, маҳсулдор моллар, паррандалар, кўп йиллик дарахтлар ва ҳоказо)лардан иборат.***
- ***Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги тараққий этган транспорт хизмати, сифатли йўл қурилишини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сақлаш кўп миқдорда сарфлар қилишни тақозо этади,***


АСОСИЙ ВОСИТАЛАР
Ишлаб чиқариш
Ноишлаб чиқариш
Қишлоқ хўжалигига мулжалланмаган
Қишлок хўжалигига мўлжалланган


АЙЛАНМА ВОСИТАЛАР
Муомила фондлари
Моддий айланма воситалар
Пул воситалари
Тайёр маќсулотлар
Бошқалар
Тугалланмаган ишлаб чиқариш
Ишлаб чиқариш захиралри
Дехқончилик
Чорвачилик
Ўғит ва ядохимикатлар
Ёқилғи
Захира қисмлар
Боқувдаги моллар
Базадаги қорамоллар
Уруғлик
Ем-хашак

- 1. Фондлар билан таъминланиш коэффициенти:

$$ФТК = \frac{АВх}{АВм}$$

- АВх - ҳақиқатда мавжуд асосий воситалар;
- АВм - асосий воситаларга бўлган меъёрий эҳтиёж.
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосий воситалар билан таъминланишини салмоқли кўрсаткичлари бўлиб ишлаб чиқаришнинг фондлар билан тўйиниш ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражалари ҳисобланилади:
- 2.Ишлаб чиқаришнинг фондлар билан таъминланиш кўрсаткичи:

$$Ф.\ таъминланиш = \frac{АВ}{100\ га\ қ/я\ ер};\quad \frac{АВ}{100бош\ қорамолга}$$

- 3.Фондлар билан қуролланиш кўрсаткичи:

$$Ф.\ қурол. = \frac{АВ}{ХС}$$

- ХС - ходимлар сони.

- Асосий воситаларининг ўсиш коэффициенти:
- АВДҚ
- АВЎК = -------------
- АВЙБҚ
- АВЎК - асосий воситаларнинг ўсиш коэффициенти;
- АВДҚ - асосий воситаларнинг дастлабки қиймати;
- АВЙБҚ - асосий воситаларнинг йил бошидаги қиймати.
- Асосий воситаларнинг сафдан чиқиш коэффициенти:
  СЧАВДҚ
- АВСЧК = --------------
- АВЙБҚ
-
- СЧАВДҚ – сафдан чиққан асосий воситаларнинг дастлабки қиймати
- Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти:
- ЙДҚҚАВ
- АВЯК = -------------
- ЙОАВДҚ
- ЙДҚҚАВ- йил давомида қабул қилинган асосий воситалар
- ЙОАВДҚ- йил охирида асосий воситаларнинг дастлабки қиймати

- Фонд қайтими:

$$ФҚ = \frac{СМ}{Фқий.}$$

- Фонд сиғими:

$$ФС = \frac{Фқий.}{СМ}$$

СМ – соф маҳсулот

Фқий. – фонд қиймати

- Ишлаб чиқариш фондларининг айланиши:

$$ФАЙ = \frac{АИ/ЧФ}{А}$$

АИ/ЧФ – асосий ишлаб чиқариш фондлари

А-қайта тиклашга ажратилган амортизация ажратмаси

- Ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$ИС= \frac{СД(Ф)}{АИ/ЧФ + АВЎҚҚ} * 100$$

СД(Ф) – соф даромад ёки фойда

АВЎҚҚ – асосий воситаларнинг ўртача қолдиқ қиймати

- Ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишнинг самарадорлиги омиллари қуйидагилар:

1. Асосий воситалар билан таъминланиш.

2. Асосий воситалар структураси.

3. Асосий ва моддий айланма воситалари ўртасидаги нисбат.

4. Меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тœлаш.

6. Илғор технологиядан фойдаланиш.

# Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий–техник жиҳатдан такомиллаштириш қуйидаги асосий тадбирларни қамраб олади:

- хўжаликнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

- улар учун асосий талабномаларни тузиш ва тақдим этиш, талабномаларни таъминот ташкилотлари, тайёрловчи заводлар ҳамда моддий – техник ресурсларни етказиб берувчиларга ўз вақтида топшириш;

- ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ва бу шартномаларни ўз вақтида мувоффақиятли бажариш.